

ОИЛА ВА ЖАМИЯТ



39 сон
1997 йил 24 -
30 сентябр

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

УШБУ

3 — БЕТ:

МАКТУБ

Уни уйлантирсак қутуларман,—деб уйладим. Аммо биронта оила, қишлоқдаги у ёқда турсин, қушни қишлоқдаги хонадонлар ҳам энг бенаво қизларини-да, унга раво қуришмади.

4-БЕТ

Хуллас, голибларни аниқлашимиз осон кечмади. Чунки, бош совринлар — энг яхши иншо ёзган талаба учун 20 минг сўм, уқувчи учун эса «Полароид» русумли фотоаппаратни олиши мумкин бўлган иншолар бир нечта эди.

5 — БЕТ:

Муҳаммад Юсуфнинг янги шеърларини ўқийсиз.

7 — БЕТ:

«Ёнаётган» аёл

Йук, йук...бу иссиқ оғуш керак одамлар жуда кўп. Унга ҳар куни ҳирс кузи билан қараётган эркаклар озмунчами?

8 — БЕТ:

Ўғилми-қиз, Билурмисиз, туғилмажак Фарзандингиз?

«...Етти нафар фарзандимиз бор, аммо уларнинг ҳаммаси қиз. Уғилли бўлишимизнинг чораси бормикан?»

СОНДА



Жўраҳон Султоновга Президент Сухарто тан берган

Навосоз юраклар

Машҳур кишилар ҳаётида шов-шув воқеалар жуда кўп бўлади. Бундан анча йиллар илгари Жўраҳон ака Республика маданият соҳаси раҳбарларидан бири билан чиқишолмай, Маргилонга қайтиб келади. Анча вақт шахримиз шинавандаларини узининг бетакрор хонишлари билан хушнуд қилиб юради. Уша пайтда Тошкентга Индонезиядан меҳмонлар ташриф буюриб қолишади ва бир яхши қушиқ эшитиш истаклари борлигини айтишади. Табиийки, Республика раҳбарлари меҳмонларга манзур бўладиган санъаткорни излаб қолишади. Санъат пешволари эса меҳмонларга манзур

бўладиган қушиқни Жўраҳонгина ижро эта олади, деган маслаҳат беришади. «У киши шогирди Маъмуржон Узоқов билан Эронга борганларида қушиқлари шоҳ Паҳлавийга ҳам манзур бўлган. Қолаверса, форс тилидаги ғазалларнинг зукко билимдони ҳамдир», дейишибди. Суриштиришадикки, ҳофиз Маргилонга келиб қолган. Дарҳол самолёт юбориб, Жўраҳон акани етказиб келишади.

Эртасига меҳмонлар шарафига санъат усталари берган концертда Жўраҳон Султонов форс тилидаги ғазалларга ўзи басталаган қушиқларни шундай завқ-шавқ билан куйлайдики, залдагилар уни гулду-

рос қарсақлар билан олқишлайди. Индонезия Президенти Аҳмад Сухарто уридан туриб, ҳофизни бағрига босиб, олқишлайди ва отасидан ёдгор олтин соатини унга тақдим этади...

Маргилон узининг машҳур ҳофизларини унутгани йўқ. Бирон кун йўқки, бирон издиҳомда уларнинг табаррук номлари тилга олинмаган бўлса. Ҳар икки хушовоз хонанда номини халқимиз ҳамон эъзозлаб келмоқда.

А. СОБИРОВ, М. УСМОНОВА,
Фарғона

Фаргонадан дараклар

ГРАН ПРИ — «АНОР»ДА КЕТДИ

Қува тумани «Анор» ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари гузал кушиқлари ва жозибали рақслари билан шинавандалар кунглини хушнуд этиб келишмоқда. Узининг навқирон 20 ёшини нишонлаган ансамбл энди жаҳон узра санъатини намойиш этмоқда.

Яқинда «Анор» ансамбли Миср Араб Республикасида бўлиб ўтган фолклор жамоалари фестивалида қатнашиб, Гран При Олий мукофотини олишга сазовор бўлди.

СИРДАРЁГА — КАТТА ҲАШАРГА

Мирзачўлни боғу-бўстонга, ям-яшил экинзорга айлантиришда фаргоналикларнинг ҳам ҳиссаси бор. Қалб амри билан чулга отланиб, қақраган маконни Ўзбекистоннинг гузал масканига айлантирган фаргоналик деҳқонларнинг жасорати тилларда дoston булган.

Кунглида Мустақил Ватанимизга садоқати чексиз булган угил-қизлар ота-оналарининг ишларини давом эттирмоқдалар. Дала ишлари забтига олган пайтда фаргоналикларнинг сирдарёликларга қумакка отланиши анъанага айланган.

Яқинда вилоятнинг 10 минг шижоатли ёшлари Сирдарёга отландилар. Ҳар бир ҳашарчига 4000 сумдан пул, бир сирдранд иссиқ кийим берилди.

М. УСМОНОВА



«Ўтлоқлари ям-яшил...»

Украина пойтахти Киевда ўтказилган «Мисс Европа — 97» гўзаллик танловининг миси чиқди, деб хабар қилади «Немис тўқили» радиостанцияси. Гап шундаки, олғирлар гўзаллардан бир нечтасини мажбуран тунги клубга олиб кетишган ва у ерда қизларга фоҳишалардай муомала қилишган. Англия ва Уэльс гўзаллари деб тан олинган қизлар биринчи бўлиб танловда қатнашишдан бош тортти. Уларнинг ортидан Германия вакиллари ва Скандинавия мамлакатларидан мусобақага келган қизлар ҳам Киевни тарк этишти.

Германиянинг Магдебург шаҳрида пул топишнинг антика йуларини уйлаб топишти. Эр-хотин «Магги» озиқ-овқат концернига сим қоқишиб, агар концерн ярим миллион доллар бермаса, концерн маҳсулотини захарлаб-кетишмоқчи эканини хабар қилишти.

Афтидан, пул топиш учун тайёр маҳсулотга дори сеппиб,

фирма ёки концернларнинг обрусига тажовуз қилиш Германияда кенг тарқалиб бораётган куринади. Утган йили «Нестле» фирмасидан 15 миллион доллар талаб қилган бир гуруҳ товламачилар фирманинг учта супермаркетидеги майонезларини захарлаб кетишган. Албатта, ҳар икки ҳолда ҳам товламачилар қулга тушган. Бироқ майонезнинг «сифати бузилгани» оқибатида биргина «Нестле» фирмаси уттиз миллион марка зарар курган.

Чамаси, Беларуссияда «фикри бузуқлар»га қарши хушёрлик хийла баланд. Яқинда бу давлатда яна бир «душман» фош этилди.

«Труд» газетасининг хабарига, 16 ёшли Вадим Лабкович Минск вилоятининг Столбца шаҳри деворига президент А. Лукашенконинг шаънига тегадиган сурат чизгани учун жаъобгарликка тортилган. У оқ-қизил — оқ рангдан байроқ тасвири чизгани учун ҳибсга олинган. Энди Вадимнинг ах-лоқини тузатишда ёки жарима

Шунақа гаплар

«Жужани кузда санайдилар», — деган нақл худди газета-журналлар ҳақида айтилганга ухшайди. Сабаби, октябр-декабр ойларида обуна ўтказилиб, қайси газета ёхуд журнал ўқишли, мухлисларга бой бўлса, ушлар куп обуначи тушлайди. Лекин укувчининг алоқа хизматидан кунгли тулмаса, газета уйига вақтда ва барча сонлари тулик этиб келишига ишонмаса, обуна булишдан кура газета дуқонидан сотиб олиб ўқишни афзал билади.

ОБУНАЧИЛАР
РАНЖИШМАСИН

Узим почта ходимиман. Маҳалла-қуйда, таниш-билишлар даврасида 1998 йилга обуна пайти яқинлашиб қолганидан гап очсак, «Келаси йил ҳам бу йилдаги каби аҳвол тақорланар?» — деган кесатиқли, илмоқли саволни эшитишимизга тугри келади. Бунинг сабаби бор, албатта. Бошқа жойларни билмадим, лекин бизга Тошкентдан келадиган газеталар боғламида курсатилганидан кам бўлади. Айниқса, «Оила ва жамият», «Постда» каби газеталар ҳар сафар 5-10 та оз чиқади. Оқибатда шунча обуначининг хонадонига газетанинг мазкур сони этиб бормади. У бизга шикоят қилиб келади. Биз эса у-бу нарса деб узимизни оқлаган бўламиз, бундай ҳол иккинчи марта тақорланмаслигига уни ишонтириб, узимиз ҳам умид қилиб қоламиз. Лекин ҳозирча умиларимиз пучга чиқиб турибди.

Истардикки, мағбуот нашрларини жойларга етказиб бериш учун масъул булган раҳбарлар назоратни кучайтирсалар. Токи, «Али учун Вали жазоланган»дек, алоқа хизматидаги нуқсонлар туғайли газета-журналлар обуначисини йуқотмасин.

Муҳиддин БЕРДИҚУЛОВ,

Сурхондарё вилояти, Ангор тумани
алоқа бўлими ходими

ДИЛБАР ЁЛГИЗ

ЭМАС

Термиз шаҳрида истиқомат қилаётган уттиз ёшли Дилбар Хужамқулова хасталик туғайли куп азият тортиди. Шифохоналарда куп даволанди, лекин Москвага — травматология ва ортопедия илмий-текшириш институтига бормаса булмаскан. Биласизки, Россия пойтахтига бориб даволаниш учун анча пул керак. Дилбар ёрдам сўраб «Соғлом

авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Сурхондарё вилоят бўлимига мурожаат қилди. У ердагилар 180 (бир юз саксон) минг сум пул тулашди ва Дилбарнинг даволаниши учун беришти.

ЖАМҒАРМАНИНГ
ҲАДЯСИ

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг

вилоят бўлими ва унинг туман, шаҳарлардаги таъин бўлимига кам таъминланганлар, куп болали оилалар, боқувчисини йуқотганлар, ногиронларга совға-салом бериб туришни одат қилишган. Яқинда ана шундайлардан 85 нафарига 219 минг сумлик дори-дармон, озиқ-овқат, кийим-кечак улашиб чиқилди.



тулашга мажбур қилишди, деб езади газета.

Хамдустлик мамлакатларидаги айрим партиялар сиёсатдан кура махфий иқтисод билан шуғулланишни афзал куришмоқда. Яқинда Грузия социал-демократик партияси биносидан бутун бир пиво ишлаб чиқарувчи завод борлиги аниқланди. Социалдемократлар узларининг яширинча ишлаб чиқаришган пивосига Баварияда тайёрланган этикеткаларни епиштириб сотиб келишгани фош этилди.

Россиянинг таълим тизими раҳбарияти ишлаб чиққан «Россиялик мактаб ўқувчиларининг жинсий тарбияси» дастури кутилган натижани бермади. Маълумотларга қараганда, Россияда 19 ёшгача бўлган қизлар

ўртасида ҳар йили 300.000 та аборт амалга оширилган экан.

Яна бир муаммо шундаки, жинсий азозлар орқали юкадиган касалликлар ҳам ўсимлар ўртасида кенг тарқалган. Кейинги 5 йил ичида бу кўрсаткич ўн бараварга ортган. Яқинда 10-12 ёшли ўсимлар орасида захм билан касалланган болалар рўйхатга олинди.

Айни пайтда 15 фоизга яқин эр-хотин бола кўриш бахтидан бенасиб. Буларга аҳоли орасида бевақт ўлимнинг кўпайгани кўрилиб, Россия аҳолисининг сон-жиҳатдан камайиб бораётганига сабаб бўлмоқда.

Ҳозирги кунда Россияда болалар уйларида ота-онаси ташлаб кетган ярим миллион нафар бола сақланмоқда. Бир миллион бола эса кўча-қуйда, қаровсиз аҳволда қолаган.

Қозоғистоннинг янги пойтахти жадал сурьатлар билан қуриляптир. Мамлакатнинг қоқ марказидаги Оқмулла шаҳрининг пойтахт сифатида танланиши сиёсатчилар ҳам, иқтисодчилар ҳам ҳар хил шарҳлаш

моқда. Маълумки, Қозоғистон жанубида қозоқлар, шимолида руслар купчиликини ташкил этади. Бу ҳам Оқмулланинг пойтахт сифатида танланганига бир сабабдир. Яна бир жиҳат — бу шаҳарнинг мамлакат ўртасида жойлашгани ҳам муайян қулайлик туғдириши мумкин. Қолаверса, Қозоғистон иқтисодида унинг шимолий худудлари етакчи аҳамият касб этиши ҳам сир эмас. Иқтисодчилар фикрича, мамлакат иқтисодини кутарин учун Қозоғистон аҳолиси сони камида 25 миллион кишини ташкил этиши лозим. Ҳозир эса мамлакат аҳолиси 16 миллион. Давлат тепасидаги 14 вазирнинг ярмигина қозоқ миллати вакиллари, холос. Бунинг устига қозоқ тилидаги мактаблар, газета, телекурса-тувлар рус тилидаги қара-ғанда унлаб марта кам. Қабул қилинган бир қанча қарорларга қарамай, давлат тили деб эълон қилинган қозоқ тили етакчи була олмади.

Ўз мухбиримиз

Оила ва жаннат

Эсингизда бўлса газетамизнинг шу йил 30-сонда «Йўга юринг, ойижон!» номли мақола босилган эди. Мақолада бир аёлни аянчи қисмати қаламга олинганди. Ушбу мақола юзасидан муҳарриратимизга сиз азият газетхонлардан юзлаб мактублар олди. Булар орасида ҳеч бир мактубга ўхшамagan мактуб бор. Буни... Келинг батафсил айтиб бера қолай. Одатдагидай оддий кунларнинг бирида (назаримда тушликка яқин пайт эди) муҳарриратимизга ўттиз ёшлардаги бир жувон кириб келди. Бесаражжонми, беҳаловатми, ҳулаас, ҳаракатлари тушунмасиз эди унинг. Бирпас расмиятчилик оҳангида бир-биримизга мулозимат кўрсатдик. Кейин... Кейин у менга қалинига қонверт узатди. Узатдию ҳовлиқиб «ятимос, шунга мен кетгандан кейин ўқинг» дея илтижоли қаради. Табиийки мен тушунмадим. У буни сизди. Мен эътирозимни айтдим: тушунтириброқ гапиринг, нима гап ўзи? Жувоннинг юзлари қизарди. Сўнг, мақолани ўқиганлиги, қаттиқ таъсирланганлиги, энг даҳшатлиси ўша аёл опаси эканлигини айтиб ўқиб йўғаб юборди. Кўнглим ғалати бўлиб кетди!

— Опажон! — деди у овозлари қалтираб, — қўлингиздаги мактуб ўша опадан келган. Бор дардини менга тўқиб солибди шурилик. Кўринг, балки босиб чиқарсанлар, балки бунинг аҳамияти йўқдир. Олиб келганим бунча дардин бир ўзим сиздираманми. Қийналиб кетдим опажон... — У чиқиб кетди. Чиқиб кетдию унинг қабидаги оғриқлар менга кўчгандай бўлди. Ушбу мактуб хусусида узоқ вақт ўйладим. Босамизми-босмаймизми, деб анча пайт мулоҳаза юритдик. Ва охири уни сиз, азиз газетхонлар эътиборига ҳавола қилишни лозим топдик.

«...Айланай синглим, Зубайда, асалому алайкум, яхшимсан, яхши юрибсанми? Опам яхши юрибди, бориб турибсанми, ҳаммангиз соғинсанлар? Агар бу мактуб йўқолиб кетмасдан эсон-омон қўлингга етиб борса, мени кеңиришингга, тушунтиришингга ишонаман. Қандоқ қилай, синглижоним, елгим, тақдир дегани мени шу куйга солиб қўйди. Булмаса ҳозир Аважжонимнинг суннат тўйига тайёрларлик қураётган бўлармик. Минг афсуслар бўлсинки, ҳаммаси чиқсака чиқди. Илоҳим, менинг бошимга тушган қургуликларни худойим, ҳеч бандасининг бошига солмасин. Уша кунга сен билан ойимнинг олдиларига чиқмадим. Чиқа олмасдим ҳам. Шундоқ ҳам эзилди турган юрагимга бирор гап сизармик. Ахир, мени суд залида онаминг изтироб билан менга жавдираб-жавдираб тикиланларини, гоҳ йўғаб, гоҳида эса сира кўзларини уза олмасдан турган ҳолатларини сезмади деб ўйлайсанми. Йўқ, жоним, синглим, асло ундок эмас. Мен кар ва кур эмасдим, ҳеч нима тушунмасам. Кўпчилик қариндош-уруларнинг ижиранибгина қараб куйишларини, акаларимнинг бош кутариб менга қарамаганларичи, буларни сезмаслик учун ҳаққоний тошпороқли қўлиб бўлишим керак эди, лекин, бундай эмас.

димку... Ҳатто, сен ҳам синглим булганинг, одамлардан уялганинг учунгина келгандинг, назаримда. Йўқ, таъна қилаётганим йўқ.

Мана кимларнидир шод қилган, кимларнидир эса беғона қилган, бир умрга иснодга қўйган ишлар ҳам утиб кетди.

Шу мактубни олганингдан кейин, менга албатта жавобини эъгин, синглижоним. Одамлар сенга таъна қилишади. Биламан. Опаси қотил, одам улдирган дейишга тандир. Буларнинг барига чидашинга тўғри келади. Бу оғир, нима қилай! Сен ўқимини аелсан, ешигингдан сени кутариб катта қилганим учун кўнглинг қандайлигини билман. Шунинг учун судда айтман сирларимни сенга айтмасам бўлмайди, нима учун шундай ишга қўл уришга мажбур бўлганимнинг сабабини, сен тушунгин жигарим, сен тушунгин!

Карим қамокдан келганидан

МАКТУБ

кейин умуман инсонийлигини йўқотган экан. Мен не-не ниғтар билан унинг келишига қайним одам бўлиб келар, уйлантираман, деб саруполар йиққандим. Жиянинг Аважжоннинг қўлини ҳалоллаб юртга ош бераман деб ниёт қилувдик. Каримнинг тўйи билан қўшиб қилмоқчийдик. Орзу-ниятимнинг бари ичимда қолиб кетадиган бўлди. Ҳаммасига тўнғиз қавмида кетган Карим айбдор, бўлмаса уни уз укамдек қуриб вояга етказгандим-а! Эрта-ю кеч қаргайман, болаларимни сарсонубор қилиб чирқиратиб қўйинг деб. Уни улдириганимдан заррача ўқинмадим. Қотил деган ном олдим, болаларим ҳам эртага онаси одам улдирган деб туртга одамнинг ичида бош кутариб юролмас, аслида ўша мен улдирган одам «одам»лик қиёфасидан чиқиб кетган бўлса нима қилай? У аллақачон ҳайвонга айланган экану, буни вақт ўтгандан кейин билдим-да. Қамокдан келгач менинг бошимга не-не кунларни солмади у, иблис. Жон синглим, майли, хатимни ўқиб мендан нафратлансанг ҳам розиман. Аммо, бусирни бир сену, бир худо билсин. Ойдин қизимнинг бахтига зомин бўлишни истамайман. Тортган неки укубатларимни қизимнинг бахтли бўлиши ювиб кетар, юрагимда доғи қолмас, деб ўйлайман.

Кўрнамак Карим, қамокдан келган кунларнинг бирида акаси қайсидир оғайнисининг уйига тўйга кетганди. Тунда кайф бўлиб келиб менга ешиди. Болаларим уйғониб кетишидан қўрқдимми, узимни йўқотиб қўйдимми, ниқилиб, овозим чиқмай қолди. Уша тунда зурлади. Кейин эса бу одағий ҳолга айланиб қолди. Ичиб келса, акаси иш билан бирор еққа чиқдимми менга ешичадиган бўлди... Узинг биласан, поччангнинг ахши кутариб турмуш қурганман. Укаси билан уришиб жанжал қилсам «Акамга айтиб ҳайдайти юбораман» деб қўрқитарди. Эримдан

ажралиб қолиш ҳаққиди фикр эса ҳаққининг етти кучасига кириб чиқмаган, буни уялганинг узидан ваҳимага тушардим.


Бир кунни қўшимиз Норини со холангнинг тўйига чиққандим, тўйдан келиб жияларингнинг қидиришга тушдим. Қарасам ҳаммаси бору Ойдинойим қуринмади. Қидирмаган жойим қолмади. Жинни бўлишимга оз қолди. Бироздан сўнг юрагимга қандайдир қўрқув, шубҳа оралади. Салдан кейин эса боғимизнинг пастки томонидан чиқиб келаётган Каримга қузим тушиб юрагим «шувв» эғиб кетди. Пастга қараб югурдим, қарасам боғдаги ташландик нарсалар уюлиб етган жойда қизим, Ойдиним инграб ётарди. Дод солиб устига узимни ташладим, кейин қарасам қонга беланган! Дузахи бўлгур Карим жиянингни зурлаб қўйибди. Эвоҳ! Шу кунни узимни-узим улдирмақчи бўл-

Турмуш чорраҳаларида

мо, ишдан келгач шу фарзандларимни деб ер чопдим, укасини сотдим, тунлари чеварлик қилдим. Буларнинг бари-барига улгуришим учун вақт, куч керак эди. Оиламнинг бадастир бўлиши учун ҳаммасига вақт топа олардим, уйимдаги ишларимни жону-дилим билан бажарардим, бундан тоқилиш уекда турсин завқланардим. Ана шу рузгоримни сақлаб қолиш учун судда қўл гапларни яширдим. Айтмадим. Оқибат шу бўлдики, поччанг ўша нонқур, малтун укасини деб мендан юз утирди. Мен оилам, эрим, болаларим деб қонлар ютсаму, у бўлса... Энди булар иш бўлди. Жон синглим, минг бир пушаймонлик билан езаётган бу мактубимни ўқиб бўлиб йиртиб ташлаган.

Чунки, бу гаплар бироваг ошқора бўлса қишлоқдагиларнинг олдига нима деган одам бўлган. Жиянингни ҳам уялагин... Кечиргин мени, опа бўлиб сенга йўл курсатишининг урнига узим сенга...

Онамга ҳам етиги билан айтиб бергин, қўл сикқилмасинлар, чунки, ўша кунни онаминг бағрига бошимни қўйганимча бу дунёлардан утиб кетишга ҳам рози бўлганимни шурилик билмайди. Эсон-омон қуришасак, изларини утиб кеңирим сурайман. Дуненинг ишлари қийин экан, синглим, қийин экан. Кечагина гулдек турмуш қилиб утирган опанг бугун...



Болаларимни, жигарбандларимни жуда-жуда соғиндим, уларнинг суд кунни чирқирашларини эпитдинг-ку!

Оллоҳ насиб этса бир кун бари ўтиб кетар, дилимда доғ қолмас, бу кунлар утали. Болаларимни бағримга босиб тинчгина япасам, шуларни одам қилсам бўлди. Онаминг қургим, ҳасратларимни бир-бир айтгим келди. Билардинг-ку, онаминг менга қандай меҳр қўйганлигини, шуларни уйласам эзилиб кетаман. Қани энди қўл бўлсаму, бу қафасдан учиб чиқиб кетсам...

Мактубим ҳам ҳузилиб кетди, узр! Сенга тангрим тўзим берсин, онамдан, болаларимдан хабар олиб тургин. Туноҳор опангнинг тавбасини қабул эт! Омон бўлгин, илоҳим... Хайр! Опанг...

Басира САЙИД АЛИ тайёрлади

КАПИТАН КУСТО

Дунега машҳур денгизоти кашфиётчиси, капитан Кусто Ислон динини қабул қилиш билан ҳаётидаги энг тўғри ишни қилганини таъкидлади.

Бугун дуне бўйлаб эфирга узатилган «Тирик денгиз» телеластури орқали океанларнинг сирларини бир-бир экранга олиб чиққан олим Кусто Ислон динини қабул қилишига сабаб булган воқеа Атлантика океани билан Урта ер денгизи сувларининг бир-бирига аралашиб кетмаслигини аниқлагандан кейин, бу нарса 1400 йил аввал ноқил қилган Курьони каримла билдирилганини қуриши билан боғлиқ эканлигини маълум қилди.

Капитан Кусто Ислонни қабул қилишига сабаб булган бу ҳодиса ҳақида шундай ҳикоя қилади:

1962 йили Олмония олимлари Аден қурфазига билан Қизил денгиз бирлашадиган Мандаб бугозиди Қизил денгиз ва Ҳинд океани сувларининг бир-бирига аралашиб кетмаслигини маълум қилган эдилар. Биз ҳам Атлантик океани билан Урта ер денгизи туташган жойдаги сувнинг ҳолатини текширишга киришдик. Аввало, Урта ер денгизининг узига хос илиқлиги, шурлиги, зичлиги ва сувости ҳайвонларини аниқладик. Худди шундай тажрибани Атлантика океанида ҳам такрорладик. Бу икки сув ҳавзаси Жабали Ториқ (Гибралтар) бугозиди минг йиллардан бери бирлашарди. Бу вазиятда ҳар икки сув ҳавзаси бир-бирига аралашиб кетиши, уларнинг тузлилик даражаси, ҳарорати, зичлиги ва бошқа унсурлари узаро ўхшаш, ҳеч бўлмаганда, узаро яқин бўлиши керак эди. Ҳолбуки, ҳар икки денгизнинг ҳатто яқин қисмларида ҳам денгиз суви узига хослигини сақлаб қолган. Яъни ҳавзалар туташган нуқтада бир сув пардаси икки денгиз сувининг бир-бирига аралашиб кетишига тўсқинлик қиларди. Бу ҳолни профессор Маури-си Басэйла тушунтириб берганимда, у бунда хайрон қолдиган нарса йўқлигини, Ислоннинг муқаддас китоби бўлмиш Курьони каримда бу ҳақда очик-ойдин езилганлигини айтди. Ҳақиқатан, мазкур ҳодиса Курьони каримда очик оят билан билдирилган эди:

«Аллоҳ икки денгиз дари-ни буниси чучук-ширин, уни-си шур-аччиқ қилиб окизиб қўйган ва уларнинг уртасида тусиқ-туғон ва қуринмас парда қилиб қўйган зотдир.» (Фурқон сураси, 53-оят).

Буни билганимдан кейин Курьоннинг Аллоҳ каломи эканлигига иймон келтирдим. Ҳақ дин бўлмиш Ислонни танладим. Ислон дини менга бахш этган маънавий қувват вафот этган углимнинг азасига сабр қилишимга катта ёрдам берди.

Май ойнинг бошларида «Оила ва жамият» тахририяти яхши ишга қўл урди. Республикамиз мустақиллигининг олти йиллиги муносабати билан ўқувчи ва талаба ёшлар уртасида эркин мавзуда ёзилган иншолар танловини эълон қилди. Тугриси, танлов газетхонлар уртасида катта қизиқиш уйғотишини тахририят ҳам, биз ҳакамлар ҳайъати ҳам қутмагандик.

Лекин қисқа вақт ичида юздан зиёд иншо олдик. Иншоларнинг энг саралари газета саҳифасида эълон қилиб борилди.

Лекин бу барча иншолар шундай экан, дея хулоса ясаш учун асос бўлмайди. Биз голибликка даъвогар сифатида танлаб олган иншоларда мустақил ва бадий жиҳатдан ҳам анчайин теран фикр муждалари кўзга ташланади.

Хуллас, голибларни аниқлашимиз осон кечмади. Чунки, бош совринлар — энг яхши иншо ёзган талаба учун 20 миң сўм, ўқувчи учун эса «Полароид» русумли фотоаппаратни олиши мумкин бўлган иншолар бир

Иншолар танловига

1. *Рухсора Тўхтамишева, Навоий давлат педагогика институти талабаси. «Мен сизни соғиндим» иншоси учун.*

2. *Нилуфар Қосимова, Тошкентдаги 2-мактаб ўқувчиси. «Умр — утқинчи сармоя» иншоси учун.*

3. *Ғулом Бобоҷонов, Хоразм вилояти, Янгйариқ туманидаги Замахшарий помли лицейи ўқувчиси. «Оролим қурима, Орол, тул энди!» иншоси учун.*

4. *Камола Холмуратова, Тошкентдаги 235-мактаб ўқувчиси. «Оила — муқаллас даргоҳ» иншоси учун.*

5. *Иброҳим Илҳомҷонов, Жаҳон иқтисоди ва дипломатията университетига талабаси. «Ўзбекистон — Ватаним маним!» иншоси учун.*

Биз голиб ва совриндорларни қутлаб, кўнгилларини адабиётга, ижодга ошнолик асло тарк этмаслигини тилаймиз.

Собир ЎНАР,
танлов ҳайъати раиси,
ёзувчи,
«Ёшлик» журналининг бош муҳаррири

ТАХРИРИЯТДАН: рағбатлантурувчи мукофот билан тақдирланган муаллифларимиздан 15 октябрга қадар уй манзилларини аниқ ва тўлиқ ҳолда хат орқали ёки кўнгирик қилиб бизга етказишларини сўраймиз.

Охирзамон фитнасида энг даҳшатли ишни аёллар тоифаси ва

Мунаввар олам

уларнинг фитнаси қилажаги ҳадис ривоятларидан англашилади. Ҳа, тарихларда нақл этиладики, эски замонларда «Амазонлар» номида гоят жанговар аёллардан таркиб тошган бир тоифаи аскарйи хориқо жанглр қилганлар. Айнан шунингдек, бу замонда динсизлик заллатининг Исломиётга қарши муҳорабасида, нафси амморанингрежаси ила, шайтон кўмондонлигига берилган фирқалардан энг даҳшатлиси ярим-яланғоч аёллардирки, очик болдирлари, яъни даҳшатли пичоқлари билан аҳли иймонга таарруз этиб, ҳужум қилаётганлар. Никоҳ йулини беркитишга, фоҳишона йулни кенгайтиришга ҳаракат этароқ, кулларнинг нафсларини бирдан асир этиб, қалб ва руҳларини қабоир ила яралаетирлар. Балки у қалблардан бир қисмини улдираётирлар. Бир неча йил мобайнида номаҳрамларнинг ҳавосотиға курсатишнинг том жазоси сифатида жаҳаннамнинг утинлари булиб энг аввал у пичоқли болдирлар енажақлар; Дунёда амният ва садоқатни йўқотганлиги учун, хилқатан куп исташига ва фитратан жуда муҳтож бўлишига қарамай, муносиб эркин топа олмас. Топсада бошига бало топар. Ҳатто бу ҳолнинг натижаси улароқ, охирзамонда баъзи ерларда никоҳга рағбатсизлик ва риюясизлик бошланадики, шу сабабли, қирқ аёлга бир эркак назорат этадиган даражада аҳамиятсиз, соҳибсиз, қимматсиз бир ҳолатга тушажақлари ривояти ҳадисдан англашилиб турибди.

Агар тарбийан исломийа доирасида, одоби Қуръонийа зийнати билан аёлдаги ҳар жамол гузаллаштирилса, у фойий ҳусн маънан боқий қолиши ва жаннатда ҳуриларнинг жамолидан ҳам ширин ва порлоқ бир тарзда узига берилиши ҳадисда қатъиййатла исбот этилгандир. Агар гузалининг заррача ақли бўлса, бу гузал ва порлоқ ва абадий натижани қўлдан чиқармайди...

БАДИУЗЗАМОН СЛИД НУРСИЙ

БИР МАСАЛАЙ МУҲИММА

ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Танловга келган иншоларнинг кўпчилиги мустақиллик, Ватанга муҳаббат мавзусида битилган. Лекин, минг афсуски, фикрлар жўнлиги, саёзлиги еки бугун урфга айланиб кетган сийқа қайтариқлар деярли барча иншоларга хос. Ваҳоланки, «Ватан кўнгилдадир, кўнгил ватанда», деганларидек ҳам кимнинг кўнгли ҳар хил, демаски, Ватан, унинг сийрати ва суврати ҳақидаги фикрлар ҳам турлича булиши табийи эди. Эсланг, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Абдулла Орифларнинг бир хил номланган — «Ўзбекистон» номли шеърлари бор. Уларнинг барчаси биз учун битта ва ягона бўлган Ватан — Ўзбекистон ҳақида бўлсада, бир-бирига ухшамайди, бири иккинчисини такрорламайди. Таасуфки, бизга келган иншолар деярли бир хил — баъзини этизақлардек.

нечта эди. Шунинг учун ҳакамлар ҳайъати тахририят билан келиши рағбатлантурувчи мукофотлар ҳам таъсис этишни мақсадга мувофиқ, деб топишди. Ва тахририят бешта рағбатлантурувчи мукофот — «Оила ва жамият»га 1998 йил учун бепул обуна белгилади.

Энди голиб ва совриндорлар билан танишинг:

1-ўрин ва 20 миң сўм пұл мукофоти — *Шухрат Жуманов, ТошДУ тарих факултети 3-курс талабаси. «Эрк нашидаси» иншоси учун.*

1-ўрин ва «Полароид» фотоаппарати — *Фаррух Давлатов, Сирдарё туманидаги 23-мактаб ўқувчиси. «Энг азиз неъмат» иншоси учун.*

Рағбатлантурувчи мукофотлар — «Оила ва жамият»га 1998 йил учун бепул обуна:



Икки дўст

Фикр Аслида чарлар ҳам халқимизнинг куп йиллик удуми. Қиз бола келинчақлик дунёсига қадам қўйгач, куда қариндошлар қизнинг ойисиникига ййгиладилар. Танишув, янги борди-келдиларнинг бошланиш

чарлар сунгида... Ахир, чарларни «ким узди» мусобақаларига айлантормай, ушанга кетадиган сарф-харажатларни керакли жойларга сарфласак, яхши эмасми? Нима кераги бор дангиллама чарлар утказишни?

... Фикр-мулоҳазаларимни ёзаят-

«ЧАРЛАР»НИ ЧИДАГАНГА ЧИҚАРГАНМИ?

нуктаси. Маъноси шу аслида бу удумнинг. Аммо кейинги пайтларда баъзи жойларда чарларларимиз уз маъноси доирасидан узоклашиб, тантанабозлик, намойишкорликка айланиб кетмоқда. Уйларда утказиш ҳам урфдан қолиб, кафелар, боғларга кучаяпти тантана. Худди никоҳ туйларига таасуб қилиб икки-уч гуруҳ ансамбллар таклиф этиляпти, уртакашлар пайдо

ману «Куюнганимдан нима фойда, бу аллақачон расмга айланиб булди, узгартариш мушкул», дея тушкунликка тушаман.

Лекин, ишонаманки, мусулмон халқимиз ислом урфида булмаган бу хурофий одатдан тезда қутулади ва узининг энг яхши исломий анъаналарига қайтади.

Қўтлибека РАҲИМБОВА

бўлган, кистир-кистир, пўл сочишлар авжланапти.

«Аммаси 100талик қистирди, холаси ҳам ундан қолишмади. Келинойиси паст экан, атиги 50талик қистирди» деган маш-маша, бемаъни гап-сузлар булаяпти

БЕКАТДАГИ ВОҚЕА

Онасининг тиззасига бошини қуйиб гингшиётган қизалоқнинг бетоб эканлиги юз-қўзларидан шундоққина курииб турарди. Кузлари киртайган, ранглари синиққан.

Салом-алиқдан сўнг онасидан: — Қизингизнинг мазаси йўқроқми? — деб сурадим.

Аёл нигоҳидаги табассум ташвишга айланади.

— Э-э, бир ҳафтадан буён қорни оғрийди, ичи кетади, — деди у. — Иш-тахаси йўқ. Узим уйда у-бу дори қилиб турибман. Бир хил — тузалмаяпти. Қорни очилгидан гингшигани-гингшигани. Ҳозир келатсак, ануви ерда сомса сотаётган экан, шуни куриб егиси келди шекилли...

Воҳ, мен бу аёлга айнаи шу ҳолатдаги боланинг кўнглига қараб яхшилик эмас, балки ёмонлик қилаётганини айтсам, тушунармикан? Шу уринда маргилонлик Аллоҳ раҳматли ажойиб оначон Ойшахон ая Аҳмедованинг тез-тез такрорлайдиган бир гаплари едимга тушди: «Болангизни яхши курсангиз — куксингизга тош уринг. Унинг ҳамма истақларини бажараверсангиз, фарзандингизга ҳам, узингизга ҳам жабр булади».

Эҳтимол, мана шу бир ҳафтадан буён боласининг раъйини қайтаролмаслиги оқибатида шундай ҳолатга тушгандир. Тугри, қайси оназор уз жигарбандлини хафа қилишни истаиди. Ҳар бир ОНА фарзандини жондан ортиқ куради. Лекин ҳали оқ-қорани ажратолмайдиган, фойдаю-зиенни фарқига боролмайдиган болақайнинг касали, онанинг шу тарика яхши куриши сабабли қўзилиб кетмаяптими?

Шу лаҳзада ҳаслимдан утказаятган

гапларимни сезгандек, аёл аста гап бошлади.

— Индинга туй. Қайнонам: «Туй — бир кунлик. Сизсиз ҳам утиб кетади. Болани духтирга олиб боринг», — деб утирибдилар. Кенжа синглимни узатаямиз. Бутун юкини олиб боришимиз керак. Узимнинг ойм телефон қилиб, «Сен олиб бормасанг, қандай булади? Духтирга етқизиб қўйса, бизга туй татийдими?» — дейдилар...

Кун қиздириб борарди. Назаримда қизчанинг етгиси келарди. Онаси ҳам чарчаган. Автобусдан дарак йўқ.

— Ҳозир қаёққа кетяпсизлар? — деб сурадим. Чунки ясениб, боласиниям ясаптириб олган она, афтидан шифохонага кетаётганга ухшамасди.

— Ойимникига-да, — деди у. — Айтдимку, бугун синглимнинг юкини олиб бориш керак. Қайнонамнинг айтганини қилмаганим учун тунини тескари кийиб олди. Болани олиб қолар десам, йўқ... Бир кун минг кун булармиди, бораверайликчи, болам қаровсиз қолармиди...

— Синглим, ҳаляим бўлса, уйингизга қайтинг, қайнонангиз тугри айтибдилар, ойингизга телефон қилиб айтиб қўйингда, кеч бўлмасдан болангизни духтирга олиб бормасангиз...

Ҳали гапимни тугатмасимдан узокдан курирган автобусни куриб аёл қувониб кетди-да, сўзимни булиб деди:

— Ана, бизнинг автобусимиз келди! Гапим оғзимда қолди. У мажолсиз қизчасини ва қашпайган халтасини кутариб автобуста томон чоппи...

«Эй, худойим, гудаккинага узингнинг раҳминг келсин», — деб сурашдан бошқа чорам қолмади...

Мухтарам УЛУҒОВА



ДЎСТИМГА ХАТ

Бошим кукда,
Юрдим кериб кукракларни,
Бокқан далам елдан чиқиб,
Туққан онам
Қасрларда
Гулдек тердим қарсақларни,
Гулда қушиб,
Гул кизларнинг нозларин ҳам.

Кетмагин деб,
Онам канча елвормали...
Кунгил доглаб,
Мен кунгилга қилдим сафар.
Бир кучди-ю
Кучогидан куйвормали,
Томи баланд —
Одамлари майда шаҳар.

Кандай ювош
Йигитчалар эдик уқтам!...
Яшил боғда
Очилмайин гуллар судли.
Мен шаҳарга
От етаклаб келдим десам,
От йуқотиб —
От топганим қизик будди!

Зотан бу кун
Ношукурлик мен нолисам,
Уйда эрка эдим,
Бунда — арзанламан.
Мени танир
Пойтахтдаги ҳайкаллар ҳам,
Қанча машҳур бўлсам
Шунча... шармандаман.

Кийналганда
Бир йигитча қийналганман,
Бир кун шохи яқтак,
Бир кун кийиб бузлар.
Омад отли
Қариқизга уйланганман,
Болаларим —
Бир китобга сиғмас сузалар.

Шухрат ўзи келадими? Чорландими? Биши қийин. Билганимиз шулки, Муҳаммад Юсуф мамлакатда машҳур шоирга айланди. Ўзи оқибатининг сўзи ҳам шунга яраша бўлади. Юсуф Сарёмий марҳамат қилган эканлар: «Хоки пойин сурма қил, ҳар кимда бўлса бўйи дард». Муҳаммад Юсуф шеърларида дард бўйи кўриниб туради.

Бир қарашда осонроқ битилгандай кўринган шеърлар: (чунки, шеърҳои томонидан тезроқ ва осонроқ қабул қилингани учун бўлса керак) аслида халқ табиатида мос ва хос бўлгани учун юқади. Шоир дарди турфа кўринади. Аслини олганда, шоир танлаган, ёки шоирни танлаган усул оғир. Оғирдан кўра машаққатлироқ. Унинг фаолияти буни энгиллаштириб бормоқда.

Бормайман-у
Хаёлимда одис маъво,
Қир ортидан
Ойнинг маҳзун қарашлари.
Бунда ҳар кеч,
Қуниқларим янгра,
Аммо
Кулогимда
қузиларнинг маърашлари...

Сен яхисин
Бир кел йўқлаб,
Истаган дам,
Мен дусларсиз
Машҳурликка тупураман.
Мени танир
Пойтахтдаги фаррошлар ҳам,
Улар куча,
Мен эса — қалб супураман!...

РОЗИДИЛ

Икки жаҳонгашта,
Иккала қушни,
Етибсизми бериб зах ерга тушни.
Эртага мен борсам койимасмисиз?
Эртага мен борсам орангиз бўшми?...

Ҳамон қуритами зурининг шурини,
Булиниб оқ пушта, қуқ пушталарга.
Аммо кунгил сезар: шеърнинг зурини
Шавкат Раҳмон уқир фаришталарга...

Бу еқда увол-у еқда хилол —
Чинордай юракни буқар қилдай ғам.
Яхши одамларни қуриб эҳтимол,
Сайраб юборгандир Асқал Мухтор ҳам!...

Майли-да. Дардини айтсин-да одам,
Айтолмай йиғлаганларин қурганмиз.
Асли биз сизгамас, сиз бизга мотам
Тутсангиз арзийди — бизлар улганмиз.

Йўқса етмасмидик Сузнинг қадрига,
Пойига минг садқа етмасмидик жон.
Ватаннинг қадрига, дустнинг қадрига,
Кунларнинг қадрига шу дориломон...

Икки жаҳонгашта,
Иккала қушни,
Етибсизми бериб зах ерга тушни.
Эртага мен борсам койимасмисиз,
Эртага мен борсам орангиз бўшми?...

ИҚРОР

Бизни бировлардан не камимиз бор,
Эй жуфти ҳалолим, не гамимиз бор.
Гарчи боғлар кезиб юрмадик бирга,
Эсласак арзирли хуш дамимиз бор...

Гарчи мен билан ҳеч йўқда ишларинг,
Мен ҳақдаир хатто, қурган тушларинг.
Севдим демасанг ҳам севгинг ихзори —
Кузинг тула меҳр жилмайишларинг.

Меҳри салоқати сийми зар санам,
Мунглигим, мунисим, муштипарганим.
Парвонам сенсану бошимда мудо,
Қадрингга етмайин келганим алам.

Бир бор қош уймаган қалам қоңлигим,
Сочинглаги оқлар-бағри тошлигим.
Бир ширин суз айтмай, битта гул тутмай,
Сен гулни сулдирли менинг ешлигим.

Дардинг олай ёрим, айттил дардингни,
Тоғлар қутаролмас сенинг дардингни.
Севдим демасам ҳам севгим ихзори —
Умр уртасида билдим қадрингни!...

Бизни бошқалардан не камимиз бор,
Эй жуфти ҳалолим не гамимиз бор.
Гарчи боғлар кезиб юрмадик бирга,
Эсласак арзирли хуш дамимиз бор...

ТАЗАРРУ

Офтоб орғидилар фикри хаёлим,
Кукда жонга маҳкам гиёҳларим бор.
Кушману учмоқка етмас мажолим,
Буйнимда бир шода гуноҳларим бор.

Қадримни бебаҳо билдим ҳар кунин,
Йилда бир йиғласам — қулдим ҳар кунин.
Узим уз патимни юлдим ҳар кунин,
Тониб қайта борай, гувоҳларим бор.

Лутф қутиб мендай бир йўқдан бинодан,
Йулдизга термулиб улди дунедан.
Отамга етолмай, қолдим дуодан...
Қабрига еққан оқ мунчоқларим бор.

Тил бир ен тортқилаб, дил тортди бир ен,
Юрагим тушовга солинган тутён.
Жонимда тугилмай жон берган исён —
Чақнамай чарчаган қақмоқларим бор.

Қайтар уртасига икки қошларим,
Қачондир қавимга отган тошларим.
Елка туттаймикин елкадошларим,
Айтилмаган узри суроқларим бор.

Олдинда — маъшўқам кутар ёйиб сеп,
Қани у мен борар жаннат-чаман деб,
Худонинг олдида фариштаман деб,
Узни ҳар мақомга урмоқларим бор!...

Муҳаммад ЮСУФ



**ОЛОВНИНГ
ТИЗГИНЛАНИШИ
ҚИЙИН БЎЛАЯПТИ**

Ёз утиб анча салқин тушиб қолганига қарамай, Россиянинг Карелия автоном республикасидаги урмонларда энгиллар қамаймаяпти. Ёнгин билан қурашга урмон хужалиги, турбазалар ва сайёҳлик пансионатлари ходимлари жалб этилган. Етарлича техника ва маблағ йўқлиги сабабли улар ҳам минглаб гектар урмонни эгаллаган олов олдида ожизлик қилишмоқда.

**СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРАЛИГИ
ОГОҲЛАНТИРАДИ!**

Ён қушимиз Қозоғистон давлатининг бир қатор ҳудудларида дахшатли бало — улат касаллиги тарқалди. Жумладан, Жанубий Қозоғистон вилоятида йигирмадан ошқич киши касалхонага етқизилган, вафот этганлар бор. Мутахассислар бу касалликни келтириб чиқарган сабаблар сифатида истезмолга яроқсиз сувдан, касалликка чалинган мол ва қўй гуштидан истезмоил қилинганлигини курсатишмоқда.

**«ЖОНИНГ
КЕРАКМАСМУ
СЕНГА? ...»**

Кейинги пайтларда Германиядаги ҳайвонот боғларида одамларнинг жароҳатланиш ҳоллари тез-тез учраб турибди. Бунга кўпроқ уларнинг узлари, болаларини қаровсиз қолдирган ота-оналар сабабчи. Масалан, Магдебургдаги ҳайвонот боғига кирган ширакайф киши қулидаги қовурилган жужани йулбарс билан баҳам қурмоқчи бўлди. Йулбарс ҳам оч экан шекилли, жужага қушиб унинг қулини ҳам узиб олди. Бишофсверддаги ҳайвонот боғида бир аёл угилчасини бир неча дақиқага елгиз қолдирди. Бола қулидаги ширин печенеси билан буруни сийламоқчи бўлди, оқибатда бармоқларидан ажради.

**ТИЛЛОГА ТЕНГ
СОЧЛАР**

Ҳиндистоннинг шимол-шарқидagi Тирупати шаҳрида жойлашган черков йилнинг утган ойлари ичида 2 миллиард доллардан зиёд даромад қилди. Шунча пул қаердан келди дегиз? Бу ерга келган зиёратчилар Вешатсвар худоси шарафига сочларини устара билан қирдирадлар. Бу ерда 500 сартарош тиним билмай ишлайди. Олинган сочлар эса ясама ва улама сочлар тайёрловчиларга сотилади.

Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди

ALIEN — 3

Уйин «Узгалар» фильми сюжети асосида тузилган. Қаҳрамон қўшлаб хоналар, йулақлар ва лабиринтлардан иборат ер ости комплексида ушлаб турилган одамларни озод қилиш керак. У турфа ут очар қуроллар билан қуролланган. Шунингдек, душманлари яшириниб ётган жойларни аниқловчи сканнери ҳам бор. Бироқ сканнернинг батареялари ҳам хоналардан бирига яшириб қўйилган. Шунинг учун энг аввал уларни топиш керак. Энг асосийси эса, қаҳрамоннинг вақти чекланганлиги учун, у тез ва аниқ ҳаракат қилиши керак.

BUGS BUNNY

Жоҳил овчи урмонда ов қилиб туриб, Bugs Bunny исмли қуён ва Daffy Duck исмли урдакка дуч келади. Улар овчи-

«SEGA» ОЛАМИГА САЁҲАТ

нинг қулига тушмаслик учун жон-жаҳдлари билан қочадилар. Шуниси борки, улар бир-бирларидан умуман ажралмасликлари керак. Икки босқичдан кейин урдак ва қуён стадионга кириб, қутурган ҳукизга дуч келишади. Шундай қилиш керакки, ҳукиз уларни шох-



лари билан сузиб осмонга улоқтисин. Сабаби, улар парашютдан тушаётган бомбани қўлга киритишлари керак. Ана шу бомба ёрдамида белгиланган жойни портлатиб, ер ости

йулига кирилади.

GARFIELD

Гарфиелд лақабли мушукча тасодиф туфайли телевизорнинг ичига тушиб қолади. Шу ердан унинг қўрқинчи ва ҳаяжонли саргузаштлари бошланади. Гарфиелд телевизордан чиқиб кетиш йулини ахтарар экан, бош чаноқлари, скелетлар, афсунгарлар ва ажиналар унинг йулига тусиқ бўлади. Улар орасидан эсон-омон утиб кетиш ҳам осон кечмайди.



Қизалоқимиз ИРОДАХОНИ!

Сени 29-сентябр — 1 ешга тулган кунинг билан табриклаймиз, ақли қиз булиб улгайишингни Оллоҳдан сураймиз, деб қолувчи

адажонинг ва ойижонинг, Тошкент, Қора-Қамиш маззеси.

Хурматли Жамла

ҚУРБОНОВА!

Сизни 26-сентябр — таваллуд тошган кунингиз билан қутлаймиз!

Оллоҳ умрингизни узоқ қилсин. Сихат-саломатлик, бахт-саодат тилаймиз, чеҳрангиздан табассум аримасин, деб,

Шухрат, Муҳаммадали.

Хурматли тогажонимиз

Хикматилла МИРОБИДОВ!

Таваллуд кунингизнинг 40 йиллиги билан чин дилдан муборакбод этиб, Оллоҳдан сизга узоқ умр ва сихат-саломатлик тилаймиз.

Жиянларингиз: Бахтиёр, Баҳодир, Дошёр.



Хурматли Шохрф ХОЛМАНОВ!

24 сентябр — туғилган кунингиз билан чин қалбдан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, сихат-саломатлик тилаймиз.

Рафиқангиз Мактуба, фарзандларингиз Зоир, Сардор, Бехрор.



Азизимиз Холматон АБДУКАМЕРОВА!

Сизни таваллуд айёмингизнинг 55-баҳори билан самимий муборакбод этамиз. Сиздек халқ таълимининг моҳири ташкилотчисига таълим-тарбия беришдек масъулиятли, шарафли вазифангизни янада муваффақиятли адо этишингизда туганмас куч-қувват, соғлиқ-омонлик тилаймиз.

Умрингиз узоқ, ҳаётингиз бунданла порлоқ бўлсин.

Сизга яна жамики эзгу тилаклар тилаб, ёру биродарларингиз ва оила аъзоларингиз.

Азиз ва меҳрибон

Лобарзон СОВЕРОВА!

22 сентябр — таваллуд кунингиз муборак бўлсин! Бизнинг бахтимизга ҳамisha соғ-саломат бўлинг! Хонадонингиз нурга тулиб фарзандларингиз камолини куриб юринг.

Камоли эҳтиром ила Опангиз Ғовсияхон, сингилларингиз Покизахон, Фотимахон, Зухраҳон.



Азиз ва ардоқли

адажонимиз

Хикматжон

МАХЖАМОВИЧ!

Сизни 23 сентябр — муборак 43 ёшингиз билан қутлаймиз. Доимо омон бўлишингизни Оллоҳдан тилаймиз.



Фарзандларингиз Рустамжон, Жамшиджон, Хуришджон ва умр йўдошингиз

Ўғлиҳон Қурбоновлар.



Хурматли ва азиз фарзандимиз Акмажон ЗИЯЕВ!

Сени таваллуд айёминг, яъни 17 баҳоринг билан табриклаймиз. Сенга узоқ умр, соғлиқ-омонлик тилаб, халқ орасида буюк обрў-эътиборга сазовор бўлишингни тилаймиз. Оллоҳ сени доимо азиз қилсин,

ойижонинг Насибохон, адажонинг Маҳмуджон.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани Солиқ инспекцияси томонидан Турсунматов Асатилла Нигматович номига берилган № 500313 хусусий тадбиркор гувоҳномаси (патент) йуқолганлиги сабаб

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ажабо!



World's tallest man meets the world's smallest

ЭНГ УЗУН ВА КАЛТА ОДАМ

Дунё турфа олам ажойиботларга тула. Сиз суратда куриб турган кинг-конгсифат одам билан гуливерсифат «одамча» ҳам беихтиёр кишининг ҳайратини оширади. Гиннеснинг рекордлар китобига кирган энг узун ва энг калта одам ана шундай ҳолатда эсдаликка суратга тушишди. Покистонлик Алам Чаннанинг 2 метру 47 сантиметрлик теракдай буйи узига ноқулай туюлса, доминиканлик миттивой Нелсон де ла Роса бор-йўғи 71 сантиметр келадиган буй-баста билан тунгиллаб юради. Тугри-да, шу ҳам адолатданми ахир, ёши деярли тенг бўлса-ю, миттивой Чаннанинг тиззасидан келса.

280 КИЛОПОИК ҚОВОҚ

Бозорда айланиб юриб йирикроқ қовун ёки тарвузга кўзимиз тушса, селитрага роса бўккан бўлса керак, деган фикр ўтади ҳаёлимиздан. Ушбу суратдаги қовоқнинг «додасини» кўриб эса бир нима дейишга ҳам ожиз қоласан, киши.

Энг йирик мева ва сабзавотлар етиштириш борасида дунё бўйича ўтказилган анъанавий танловда япониялик 43 ёшли фермер Сиодзи Сирай ғолиб топилди. Тиниб-тинчимас япон барчани лол қолдириб, 280 килограммлик қовоқни намойиш этди. Унинг айтишича, «бақалоқ» қовоқнинг нави «гигант атлантика» дея номланар экан.

Алижон САФАРОВ тайёрлади



Билиб кўйган яхши

ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАР ХОСИЯТИ

АНОР. Ширин анор камқонликка, сил, шамоллаш, гепатит, гастрит, ичбурۇқ, захарланиш ва бошқа юқумли хасталикларга шифо бўлади. Анор пустилоғи эса қон қусишда, милк, ичакдан қон кетганда, пeshоб ҳайдовчи, томоқ огриғига яхши малҳам була олади. Анор уругининг янчилган толқони ҳомилалар аёлларнинг бошқоронглигини босади.



БЕҲИ. Беҳи мевасидан тайёрланган дахлама ва қайнатма ич кетишини тухтатувчи, ишгада очувчи, пeshоб ҳайдовчи омил сифатида қўлланган. Беҳи сувига асал қўшиб тановул этилганда сурункали жигар хасталигига даво. Беҳи терни тухтатади, нафас аъзолари учун фойдали. чанқоқни босади, қусишга қарши фойдали воситадир. Беҳининг барғи, новдасининг пустилоғи, еш шохчалари қандли диабет ва қон босими ошган беморларга фойдалидир. Шунингдек беҳи асаб ва бош огриқда хурсанд қилувчи таъсирга эга, юракка ҳам дармон беради.

ЗИРК. Зирк меваси чанқовни босади,

шираси энгил сурғи дори сифатида наф беради. Шу билан бирга, бош огриганда, қабзиятда, иштаха йуқолганда эм бўлади. Қора зирк илдизи, новдаси шамоллаганда, сил хасталигига, бод ва бошқа бугим огриқларида, камқонликда фойдали, тишларни мустаҳкамлайди, бавосил ва захарларга қарши восита сифатида ишлатилади. Қора зирк билан асал аралашмаси сувчечакда, жигар тиқилмаларини очишда, ич кетиш хасталикларига қўлланилади.

НОК. Қурилган нок жароҳатларни битиради. Меъдани тазалайди, ташналикни кеседи, сафрони тухтатади. Нок қоқиси йутал хуружини псайитиради. Шираси ва қайнатмаси пeshоб йулидаги тошларни нуратишда ижобий таъсир курсатади. Қайнатмаси тана ҳароратини туширади, ҳазм йули фаолиятини яхшилайдди. Юрак уйноғига ҳам тинчлантирувчи малҳамдир.

ДУЛАНА. Юрак ревматизмида, уйқусизликда, климакс даврида, парижонхотирлик бошланишида, қон босими ошганда уни псайитирувчи омил сифатида қўлланилади. Халқ табобатида мева ва гул дахламаси юрак уриши тезлашганда, йутал қолдиришда, асаб хасталигига тинчлантирувчи дори сифатида тавсия этилади.

ЕРЕНҒОҚ. Еренғоқ мағзи болаларда учрайдиган экссудатив диатез касаллигига даво була олади. Асаб тизимини мустаҳкамлаш хосиятига эга. Сизгини қучайтиради.

Еренғоқни меъда-ичак касалликларига қалинган беморлар истеъмол қилмаганлари маъқул, чунки унинг таркибидати клетчатка таом ҳазм қилиш аъзоларидаги шиллик пардани яллиғлантириши, қоринни дам қилиши мумкин, калорияси юқори бўлганлигидан семиз ва озини хоҳловчи кишилар уни камроқ истеъмол қилганлари маъқул.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, «Соқлом авлод учун» жамғармаси Фарғона вилояти бўлими дорихисси



Танаси тилиниб гадир-бур битган дарахларни курганмисиз? Албатта, кургансиз. Буйрачиллик касби билан шуғулланадиган одамларнинг қуллари худди ана шундай дагал, нотекис булади. Улар билан биринчи бор қул бериб қуришганингиздаёқ буни сезасиз.

Жарқурғон туманидаги Хайиттепа деган қишлоқда элик уйли буйрачи яшайди. Улар элдининчи йили Қашқадарёнинг Қамаш туманидан кучиб келишган экан. Шу ерлик буйрачи Ҳамро Холиқуловнинг айтишича, Сурхондарёда икки мингдан ошқ буйрачилар хонадони бор экан. Уларнинг бир қисми Денов туманидаги Қорсақли қишлоғида, бир қисми Олтинсой туманидаги «Оқ олтин» жамоа хужалиғида, бир қисми эса Қизириқ тумани хужалиқларида яшашади.

— Ҳамро ака, буйрачиллик қандай касб? Осонми, қийинми? Нони қаттиқ эмасми? — сураймиз.

— Нима десам экан, осон булсам, қийин булсам, ишимизни биров келиб қилиб бермайди. Хузуриниям, азобиниям узимиз тортамиз. Нони қаттиқ, лекин тоза-ҳалол. Худо берган саккизгина болани шу касбнинг орқасидан боқиб келаямиз-да, ука.

— Айтинг-чи, Ҳамро ака, буйрачилликнинг тарихи қуп узоқми?

— Ривоят қилишларича, бизнинг бош бобомиз Ҳазрати Алининг аёли — Фотима онамизга қамиш ташиб берган, онамиз эса буйра туқиганлар. Бу хонадонга бобомизнинг хизматлари қуп утган экан. Бир кун Ҳазрати Али бобомизнинг ишларидан

маннун булиб, дуо берибдилар. Шу улуг одамнинг дуоси сабабли булса керак, бирон киши ёмонлик ҳам қилолмайдди, таадди ҳам беролмайдди. Бизга ёмонлик қилишга уринган одам панд емай қолмайди ҳам.

— Буйранинг ҳам яхши-ёмон туқилгани буладими?

— Булсамасчи. Янги урганётганларнинг буйраси энди узига яраша булади. Қари, тажрибали буйрачиларнинг туқгани эса дарров билиниб

узун-узун, бир текис қамиш керак, усталик керак.

Гурун-гурун билан билдикки, буйрачилар учун ҳамаше масаласи анча қийинлашиб қолибди. Чунки аввалги туқайзорларнинг қупи барҳам топиб кетибди. Хайиттепалик буйрачилар қамишни Ҳовдақнинг қулидан, Учқулдан, Қорақирнинг ботқоқликларидан уриб келишаркан. Ишнинг нозик томонларидан бири шуки, ҳар қандай қамишдан ҳам буйра чиқмайди. Тикка,

ламайди. Буйра деганлари — зараркуналларнинг офатидир. Демак, донишманд боболаримиз, момоларимиз бекорга буйрадан фойдаланишмаган экан-да.

Буйрачиларнинг касбига доир яна бир нарса: улар ҳаром-харишдан қаттиқ ҳазар қиладилар. Улар буйра туқиладиган устaxonани, асбоб-ускунани ниҳоятда эҳтиётлашади, у ерга бегона кишиларни, нотоза юрадиганларни асло

Қадриятларимиз

даги буйрачилар бамисоли кучиб келадилар. Туйни бир кеча ётиб утказадилар. Туйнинг ташвишлари, қувончлари уртада баҳам қурилади.

Турдали бобо Шералиев хайиттепалик буйрачиларнинг сардори, оқсоқоли, кайвони, гапта етари. Шу одам нимани айтса, уша булади. Унинг гапини икки қиладиган буйрачининг ўзи йўқ. Буйрачилар ҳаётга, тирикчиликка жиддий куз билан қарашади. Балки шунинг учундир, буйрачиларда оилавий куйди-чиқдилар жуда кам. Балки булса ҳам асосли сабаби бордир. Буйрачиларда жанжал-туполон, қиён-кескинлар булмайди. Бундай ҳолатлар уларнинг табиғига тамомла ёт нарса.

...Буйрачилардан бирон кишини бетоб булибди, деб эшитсалар, дарҳол ёрдамга шоқадилар. Буйрачининг ташвишли, гуссали кунда ёлғиз қолганини одамлар ҳали билмайдилар.

— Утган йили аёлим қаттиқ касал булди, — дейди Ҳамро ака, — касалхонада ёнида узим ҳам ётдим. Шунда денг узимизнинг буйрачиларнингку, оёғи узилмади, Қамашидаги, ҳатто, Тошкентда ишлаб юрган буйрачилар ҳам келиб хабарлашдилар. Ана шундай пайтларда одамнинг кунинг бир бошқача бўлиб кетаркан. Буйрачи буйрачини ҳеч қачон ёлғиз ташлаб қуймайди, қуймаган ҳам, лекин Яратган эгам бизларни ёлғиз қуймасин! Ҳамма гап шунда.

Маҳмуд АБУЛҒАЙЗ, Сурхондарё вилояти

ҲАЙИТТЕПАЛИК БҮЙРАЧИЛАР

туради.

Шунда у кишининг аёли Хушбоқ янгамиз гурунга қушпилади:

— Турдали бобо Шералиев, Фузур бобо Ашатов, акамнинг хотини — чечам Ойнабод момо Туйчиева, аммам Ойимхол момо Фозиловалар буйрани қуп яхши туқишади. Улар бордон туқишни ҳам биладилар.

— Бордон нима у?

— Бордонми? Бордон буюдой, умуман дон солинадиган идиш-буюм. Бордон жудаям ишончли қоп-идиш. Нима солсангиз туради. Унга на мита, на бошқа дарранда, сичқон-каламүш қира олади. Бордонга мўндунни солинг-да, ҳеч нарсани уймамай беҳавотир юраберинг.

— Янгангиз тўғри айтаяпти, бордонни яккам-дуккам одам туқийди. У-бу деб юрган билан бизлар ҳам туқий олаемиз. Бордон туқиш учун

узун, бир текис қамишлардангина яхши буйра чиқади. Бунинг устига буйралик қамиш тудалаб эмас, ҳаттоки иккиталаб ҳам эмас, балки доналаб, танлаб урилади.

— Қамишни асосан ёзининг охири, қузнинг бошларида урамиз, — дейди Ҳамро ака, — қамиш ўриш ҳам биз учун алоҳида бир мавсум. Тинимсиз сув кечамиз, баъзан қизик устида жуда ичкариллаб кетамиз. Ташқарида иссиқлик 35-40 даража булса, ичкарида эса 60-70 даража булади. Одамнинг нафаслари қайтиб кетади. Илож қанча, касб-тирикчилик учун барига чидаймиз.

...Асрлар синовидан утган нарса шуки, буйрада ҳикматнаф куш. Буйра асло чирмайди. Томига буйра ёпилган, ерига буйра тушалган уйга илон, чаён, сичқон-каламүш, борингки, ҳар қандай дарранда зинхор-базинхор яқин йу-

киритишмайди. Уларга боболари, момолари шундай тайинлаб, васият қилиб кетишган...

— Буйрачига ҳаром асло ёқмайди, — дейди Ҳамро ака ҳам, Хушбоқ янга ҳам, — тоза юриб, тоза туришимиз керак.

Ҳамро акадан «Буйрачиларнинг ҳам касбга доир қушиқ-лапарлари борми?» деб сураганимда, у киши саволимга истехзо аралаш кулди.

— Ука, буйрачилик касбини биз ҳеч қачон уйинга, лапарга, қушиққа айлантirmаганмиз, айлантirmаймиз ҳам. Буйрачилик бизга эрмак ҳам эмас, вақтихушлик ҳам эмас. Буйрачилик бизга Худо берган қўна касб, тирикчилигимиз учун бир сабаб.

...Буйрачилар қуп тотувиноқ эл буладилар. Туй-маросим, маврудлари аҳиллик билан утади. Бирон буйрачи туйга чорласа, Сурхондарёнинг ҳамма еридаги ва Қамаш-

«ЁНАЁТГАН» АЁЛ

Ҳиндистонда шундай одат бор. Аёл бева қолар экан, у эрининг танаси ёқилётган оловга узини ташлаб ёниб кетиши мумкин.

Танам табиат қонунига буйсунган ҳолда бировни хоҳласаю, ақлим одамларнинг ўйлаб топган ақилдаларига асосланиб бу хоҳишга йул қуймаса, бу мени тирик жизга-нак қилиб ёқиш эмасми, бу кузга қуринмас олов эмасми? Шу ҳаёллар билан Бибиғул ҳиндларнинг удуми ҳақида уй сура бошлади.

Мен ҳам узимни севгимиз Тохирнинг охири оловига отган бўлар-дим. Бу тириклик, бу тирик ёнишга кучим етмаяпти. Мен бошқаларга зиноли қараш қилмаган билан бошқалар менга зиноли қарашини қуймаса, қолаверса, уттиз беш ешимда менинг тирик танам ҳам тириклик қонунидан воз кеча олмаса, ахир бу бир умр тирик ёниш-ку...

Чидай олмайтман, чидай олмайтман, чидай олмайтман...

Бибиғул Тохир билан салкам саккиз йил бирга бўлди, беш йил бирга турмуш кечирди, икки болали бўлди. Уларнинг узларининг уйларича на Тохир Зухролар, на Лайли-Мажнулар, на Ромео-Жулетталар уларчалик бир-бирларини

севмаганлар. Аммо тақдир тақозоси, мана Тохир вафотидан кейин яна етти йил буптиқи, Бибиғул ёлғиз.

Бибиғул йигирма ешида Тохир билан танишади, йигирма икки ешида улар турмуш қуришади ва Бибиғул йигирма саккиз ешида бева қолади. Бибиғулнинг тасавурида охири етти йиллик умр фақат оловда ёниш булди. У Тохирнинг вафотини тан олодмай юрди. Кечкурунлари уйда утириб болалари билан суҳбатлашар экан, Тохир гўеки ҳозир кириб келадиди суҳбатга аралашади ёки боласи билан уз одатича кураш тушиб олиша кетади. Бу тасавурулар Бибиғулни ақлдан оздиришга сал қолди.

Йўқ, йўқ... бу иссиқ оғуш керак одамлар жуда қуп. Унга ҳар кунни ҳирс кузи билан қараётган эркеклар озмунчами? Илгарилари буни зимдан сезган Бибиғул кейинчалик баъзи эркекларнинг хуружларидан зурга қутулган вақтлари ҳам булган. Бибиғулдай гузал аёллар қуп ҳам топилавермайди. Ахир, бу юзи, кузи, қалби гузал аёл ҳар қандай эркекни ва ҳар қандай оилани ҳам гуллатиб юбориши турган гап. Шундай экан у узини

Мангу изтироблар

мана шу оловга ёқиб юбориши турганими? Вафо деган нарсани ердаги одамлар ўйлаб топмаганмикан? Мангулик вафоси булса, Бибиғул узини Тохирни ёққан оловга ёқар эди. Лекин бизда Тохирни оловда ёқишмайди ва Тохирлар ёқилган оловга Бибиғуллар узини отмайди. Биз бир умр буюк муҳаббатни қуйлаб утамизу, унга дуч келганда нимагадир ундан қутулиш йулдини қидирамиз. Бу тириклик тийра булди, бизнинг қалбимизни қон қилади. Балки шунинг учун исломо яқалиқни, беваликни ёқтирмас. Бу ҳам уз йулда биз билиб-билмаган бир донлик ва донишмандликдир.

Бибиғул, бир лаҳза ёнганинг дурустмиди, бир умр ёнганинг дурустми... ёки... ҳаёт лаззатидан баҳраманд бўлиб, янгидан бировни севиб қолганинг дурустми?!

Агар бировни севиб қололсанг бутун ҳаёт сенки, уз севгинида содиқ қолсанг умрбод оловда ёниш сенки, уз севгининг вафот қилган пайда узингиз қурбон қилганинда мангулик ва мангу севги сенки булар эди.

Маҳмуд ЙУЛДОШЕВ

БИДЪАТЛАРДАН АСРАСИН!

Бундан 30 йиллар бурун Шайхонтоҳур туманидаги «Суръат» маҳалласида Мираҳмад ҳожи исми 70 ёшдан ошган табаррук отахон яшардилар. Ўғиллари бўлмагани учун ўша пайтдаги туман партия кўмитасининг раҳбари булган қувёига суғиб қолганди. Мана шу отахон жума кунни вафот этдилар. Маҳалладаги кескалар йиғилиб, куннинг хосияти улуглигини айтиб, Мираҳмад ҳожини кечгача дафи этишни маслаҳат бердилар. Бироқ қувё ҳеч кимнинг гапига қўлоқ солмади, жаноза кейинги кунга қолдирилди (тўғрироғи жаноза кечаси қувёдан яширинча ўқилди). Эртасига мактабга борсам, бино олдида 200 тача стол-стул қуйилиб, ресторандагидек боғланадиган, дошқозонда эса бир қоп гуручга мос зирвак қайнаб турибди. Ниҳоят, тобут кўтарилиди. Олдинда духовой оркестр мотам қуйлари чалиб борар, кейинроқда галстук боғлаган ўқувчилар гулчамбарлар кўтариб олишганди. Қабристонда Қуръон тиловати ўрнига қувёнинг айрим амалдор дўстлари нутқ сўзлашди ва мотам маросимларини шу тарзда замонавий ўтказиш кераклигини айтиб мақташди. Тўғриси, табаррук, мўмин-муслимон отахонинг бу тарзда дафи этилиши кўпчиликка ёқмади, лекин замон кўтармагани учун ҳеч ким қарши чиқмади. Қабристондан қайтгач, одамларга ош тортилди, официант қизлар олиб-югуриб хизматда бўлишди...

Марҳумларга биз тирикларнинг энг яхши эҳсонимиз қабрларини тез-тез зиёрат қилиб, руҳларига Қуръон тиловат қилишдир. «Етти», «қирқ», «йил оши» қабилир эса Оллоҳнинг даргоҳида қабул буладиган маросимлар эмас. Турли бидъат маросимлардан бизни Оллоҳнинг ўзи асрасин!

Акс-садо

Ҳамидулла ЙУЛДОШЕВ, фахрий педагог, Тошкент шаҳри, Иби Сино мавзеси

ЎФИЛМИ-ҚИЗ, БИЛУРМИСИЗ,

«...Етти нафар фарзандимиз бор, аммо уларнинг ҳаммаси қиз. Уғилли бўлишимизнинг чораси бормикан? Ҳомиланинг жинсига таъсир этса буладими?» Бундай саволлар фикратида умид ва илҳиҷ ахтариб юрган замонадошларимизнинг саноғи кўп. Ҳозир ҳомила жинси қандай хусусиятларга эга эканлигини аниқлаш учун бутун дунё тиббиети тинимсиз изланиш олиб бормоқда. Маълум бўлишича, эркеклар жинсий ҳужайраларда икс (х) ва игрик (у), аёлларда эса фақат иккита икс (х) хромосомалар бўлар экан. Тухум ҳужайра 22 та аутосом, битта икс хромосома тугган сперматозоид билан урулганса, хромосомалар маҳсули ХХ бўлиб, қиз туғилар экан. Тухум ҳужайра 22 та аутосом игрик хромосома тугган сперматозоид билан урулганса хромосомалар ХУ, яъни жинси уғил ҳомилани ташкил қилар экан.

Тадқиқотлар қизларга нисбатан уғил ҳомиланинг кўпроқ но-буд бўлишини эътироф этмоқда. Замонавий тиббиёт ҳомила жинсини аниқлашда ултра-травуш усулларини қўллаётган бўлса-да, барибир мозийдаги донишмандлик кишини дол этади. Жумладан, Хуросонда туғилиб, Хиндистонда яшаб ижод қилган Ҳаким Юсуфий «Илаж ал-амроз» (1509—1510 йилларда ёзилган) ясариди бу ҳақда шундай деган:

«Бу Али сузи — бу зур фан ичида,
Юкли бўлса аёл эрга-кечида,
Уғил бўлса бола қарагин аввал —
Юз берар каттайиш унг сийнасида».

Жолинус Ҳаким сузларига қараганда, «Балогатга етганда унг тухум катта бўлса, туғиладиган

бола уғил бўлади. Агар чап тухум катта бўлса қиз туғилади». Олимларнинг боласи кўпинча қиз туғилар экан.

Дарҳақиқат, қадимдаёқ ҳомила жинсини аниқлаш, унга таъсир этиш усуллари мавжуд бўлган. Масалан қадимги Талмуддаги яҳудийларнинг таъкидлашича, уруғни эркек аввал туқса қиз, аёл дастлаб туқса уғил туғилар экан. Шунингдек, ҳомила жинси эҳтиросларнинг нечоғли бўлишига ҳам боғлиқ. Аёл кишининг эҳтирослари жўшиб сармаст бўлиши уғил бунёд бўлишига пойдевор бўлса, эркекнинг хирси юқорилиги қиз туғилишига олиб келар экан.

Эраимздан олдин яшаб утган юнон шоири ва табиби Эмпедокл «ҳомиланинг пайдо бўлиши алоқа давридаги ҳароратга боғ-

лишида овқатланишнинг ҳам узига хос урни бор албатта. Гушт ва бошқа оқсилларни кам истеъмол қилиш уғил боланинг кўп туғилишига сабаб булар экан. «Хавос ул-аше» рисоласида таъкидланишича, уғил бўлишининг қуйидаги тadbирлари мавжуд: ҳайздан тозалангандан сунг уч кун заъфарон мол ёғи билан ейлади. Овқатига эркек бузоқ туққан ситир сугидан шир-гуруч қилиб ейди. Шундан сунг эр билан яқинлашишда уғил туғилади.

Аёл ҳайздан пок бўлса, биринчи кун яқинлашилса ва уруғ бачалонда қарор топса, фарзанд уғил бўлади. Умуман, эр-хотин тоқ кунларда алоқа қилса уғил, жуфт кунлардагидан эса қиз бунёдга келади.

Мутахассис минбари

фойдаланишган. Масалан, ҳомиладор аёл чап томонида оғирлик ҳис қилса ва ҳамини ваэмин кайфиятда юрса фарзанди қиз бўлади. Агарда унг томонда оғирлик ҳис қилиб, ҳаракатлари чаққонроқ бўлса, уғил туғилади.

Агарда ҳомиладор аёлнинг сути идишга солинганда, тезда остига чуқиб қолса қиз, чуқмаса уғил бўлади.

Агар ҳомиладор аёлнинг томирлари қизил бўлса уғил, бошқа рангда бўлса қиз туғилади.

Ойна офтобда қиздирилади, устига ҳомиладор аёл сути томи-зилади. Суг ёйилиб кетса қиз, ёйилмаса уғил туғилади.

Ушбу уринда Осие халқларининг тadbирлари хусусида ҳам тухталиш фойдалидир. Агар ҳо-миладор аёл тушида узук, зирак

XX аср: Ҳодисалар силсиласи

Африкадаги Бенин давлатида 1 июн нафақат «Болаларни ҳимоя қилиш халққаро куни», балки «Дарахтлар куни» деб ҳам эълон қилинган. Шу куни мамлакат фуқаролари мсвали ва манзарали дарахтлар экиш билан машғул бўлишади.

Бошқа жойлардаги бўлгани каби Германияда ҳам қўллаб ҳайқаллар бор. Яқинда уларнинг сафига яна бир ҳайкал қўшилди. Буниси энди... картошкага урнатилган ва супчасига «1746 йилда шу ерда Германияда биринчи марта картошка экилган», деб ёзилган.

Олимларнинг исботлашича, паришонхотирликнинг энг яхши ва табиий давоси олма экан. Кунига икки-уч дона олма еб турадиган одамнинг қонда холестерин миқдори камайиб, паришонхотирлиги ҳам деярли барҳам топаркан.

Гавай архипелаги таркибига кирувчи Кауаи оролида муттасил ёмғир ёғиб туради. Шу сабабли бу ерда дарахтлар кам ва улар бута-симон шаклда бўлиб, буйи 20 сантиметрдан ошмайди. Бироқ турли уг-уланлари баравж. Айрим утларнинг буйи 2 метргача етади.

ТУҒИЛАЖАК ФАРЗАНДИНГИЗ?

лик» эканлигини қайд этган.

Аниқланишича, катта урушлар даврида уғил болалар кўп туғилар экан. Бу галати ҳодиса «ҳарбий йилларга хослик» деб номланиб, олимлар томонидан турлича тахминларга сабаб бўлган. Уларнинг айримлари уғил болалар қўлайишини урта ёшдаги ота-оналарнинг камайишича, бошқалар, тунгич бола туғувчилар сонининг ошишига боғлайдилар. Бошқа гуруҳдаги мутахассислар эса бола жинсига ҳомиладорлик уртасидаги вақт таъсир қилади дейишади. Дарҳақиқат, уғил болаларнинг бот-бот туғилишига ота-оналар ёшидаги боғлиқлик сабаб бўлаётганлиги аниқланган. Она билан отанинг ёши қанчалик катта бўлса, уларнинг уғил куриш эҳтимоли шунчалик кам.

Немис олимларининг айтишича аёл ва эркекнинг унг томони иссиқроқ бўлиши уғил туғилишига сабаб бўлади. Шунинг учун алоқа давомида хотин унг томонда етиши шарт. Чап томонда ётса, кутаятган фарзанди албатта қиз бўлар экан.

Бошқа бир олимларнинг фикрига қараганда, ҳайздан 4—5 кун утгач, уруғланиш юз берса уғил, кечроқ қолса қиз туғилиши ҳам мумкин экан. Баъзи бир немис оилалари уғил куришини истаса, тушак остига болга куйиб ётишади. Қиз бўлишини истаганлари эса рафиқасининг кийимларини кийиб, «Илюҳим қизли бўлайлик», — дея дуо қилишади.

Ҳомиланинг уғил ёки қиз эканлигини билиш ёш оила учун жуда қизиқ. Шарқда буни билиш учун узига хос омиллардан

курса қиз, пичоқ курса уғил туғилади. Оврупода ҳам шундай олат мавжуд. Биз юқорида ҳомила хусусида талайгина маълумотларни санаган бўлсакда, барибир, бу борадаги билимлар чекланган.

Ушбу ёзганларимиз ҳам, ожиз ақлимизнинг ноқис тахминларига холос, шу туфайлидан Оллоҳ яхшироқ билувчи дея қизми-уғилми тиласангиз, барча куч ва қудрат қулида бўлмиш ягона Оллоҳдан сурашингизни истаб қоламиз.

Ўқтам МУҲАММАД
МУРАД

Ўзбекистон даволаш илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси шифокор андролог-сексopatологи, олим



„РАНГЛИ ЛОК“ ФИРМАСИ

Тошкент Лок буюк заводи ишлаб чиқарган турфа хил маҳсулотлар оилангизга файз, уйингизга курак, хонадонингизга гўзаллик ва тароват бахш этади.

Чекланмаган миқдорда сотиб олади

- Ўсимлик ёғи
- Метал цинк
- 0,8 КПли пўлат тунука, 0,5 мм, 0,8 мм, 1 мм
- Пантaэритрит
- Титан двуокис
- Фтал ангидрид

- Глицерин
- Чигит
- № 25 ли оқ тунука
- Пўлат чикитлари (лом)
- Пўлат тунука, қалинлиги 0,2 мм дан 2 мм гача

Сотади (нархи идишсиз, бир тоннаси учун)

- ПФ - 115 эмал (тўк яшил, қизил, қора) - 165000 - 212000 сўм.
- ПФ 133 эмал (сарик) - 224200 сўм.
- БТ - 51 Лок - 41300 сўм.
- ВДАК-229 буюғи - 53100 сўм.
- том учун буюк - 153400 сўм.
- ПФ-КБ буюғи - 35400 сўм.
- ГФ-0163 - 118000 сўм.

Халқ истеъмоли моллари

- ВДАК-229 - 73160 сўм.
- ПФ-223 оқ эмал (4 кг ли идишда) - 218300 сўм.
- ПФ-226 эмал (3 кг ли идишда) - 212400 сўм.

Манзил:
Тошкент, Содиқов кўчаси, 9
Телефонлар: (3712) 68-39-47,
35-34-51,
68-79-45,
35-34-50
Факс: 68-73-32



БОШ МУҲАРРИР: МУҲАММАД ИСМОИЛ

Ҳомий:
«Матбуот тарқатувчи»
акциядорлик жамияти

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент-700000,
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-ўй

Телефонлар:
Бош муҳаррир — 133-28-20,
котибият — 34-86-91,
эълонлар бўлими — 136-56-52.
Даврон БЕК навбатчилик қилди
Обуна индекси - 64654
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0607
32665 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Чоршанба кунлари чиқади
Баҳоси эркин нарҳда